

Ҳалима  
Худойбердиева

# Осойишта ШАМ

Янги шеърлар



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2017

УЎК 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)6  
X87

ISBN 978-9943-25-394-0

© Халима Худойбердиева, 2017  
© «O‘zbekiston» НМИУ, 2017



**Ушбу китоб фарзанди аржумандим  
Умидбекнинг хотирасига бағишланади.**

\* \* \*

*Келганингиз эй азиз ёр, муборак бўлсин,  
Гулга кирган бор хасу хор, муборак бўлсин.  
Сизга биздек бир беминнат тобе муборак,  
Бизга Сиздек толе, тождор муборак бўлсин!*





## ТОБОРА ЯҶИН

Бошимдаги булутлар кўчадиган кунларим,  
Кўксимдаги бургутлар учадиган кунларим,  
Қувонч дарёларини кечадиган кунларим,  
Яқин, тобора яқин!

Яқинлаб қолдим чоғи, тағинам яқинладим,  
Кескинроқ чақнамоқда кўксимда чақинларим,  
Менинг узоқлаб кетган, суюкли яқинларим,  
Яқин, тобора яқин!

Қаттиқ бошимга тегиб минг бўлди бир тухмат тош,  
Сангу маломатлардан чиқдим саломату ёш,  
Улуғ қуёш келмоқда кўксимга қўйғали бош,  
Яқин, тобора яқин!

*2016 йил*





## ТҰМАРИСНИНГ ТУМОРИ

Ўтаётган онамнинг соч нурига ёздим мен,  
Ўсаётган қизимнинг шуурига ёздим мен,  
Юрагимнинг энг ичкин, энг тўрига ёздим мен,  
Тўмариснинг туморин таққан аёл ўлмайди!

Гарчи бугун чарчаган, гарчи бугун ҳорғиндир,  
Кўкка ўрлаб кишнамас, оёқлари озғиндир,  
Лек, ёллари ўшандай оловли бир ёлқиндир,  
Тўмариснинг отини боққан аёл ўлмайди!

Мен унинг туморини жонимга тумор этдим,  
Тиниб, қизиб, оқарим — қонимга тумор этдим,  
Кўнгил отлиғ шохимга, хонимга тумор этдим,  
Тўмарисдек осмонда балққан аёл ўлмайди!

Туморларки аслида, ҳар тирик ҳужайрамда,  
Бири Ҳиротда ётур, ётур Балхда, Сайрамда,  
Умр асли бир зумда ўтадиган байрамда,  
Тўмариснинг чироғин ёққан аёл ўлмайди!

Фаним боши қонда фарқ. У энди келмас қайтиб,  
Бораверар бу элни шундай мардлик улғайтиб,  
Жони чиқарида ҳам Ватан сўзини айтиб,  
Тўмарисдек оёққа қалққан аёл ўлмайди!  
Тўмариснинг туморин таққан аёл ўлмайди!

2016 йил

---



## ВАТАНИМ ОНАГИНАМ

Ватан, кўрдим тўнингнинг сузилиб турган ерин,  
Шуни кўриб кўнглимнинг бузилиб турган ери,  
Шуни кўриб кўнглимнинг узилиб турган ери,  
Ватаним онагинам...

Тўнни сузилган ерин ямамоқ лозим бўлар,  
Майли қаҳратон қишим ёки ўт ёзим бўлар,  
Тинмай чорлаган овоз, менинг овозим бўлар,  
Ватаним онагинам...

Сен қишлоқда ранг-рўйи сариқ онамсан асли,  
Ҳорфин онам, хокисор, ориқ онамсан асли,  
Қадди долу кўллари ёзиқ онамсан асли,  
Ватаним онагинам...

Ҳар ким ўзимас, аввал онасини кийдирсин,  
Ўзига эмас, аввал онасига шай турсин,  
Илҳақ қилмай, ўкситмай кўнглини илғай турсин,  
Ватаним онагинам...

Чексанг улуг бир дард чек, шу тан кетмаси  
учун,  
Милтираб турган шу шам, шу шаън кетмаси  
учун,  
Онадайин ҳеч қайтмас Ватан кетмаси учун,  
Ватаним онагинам...

*1987–2014 йиллар*



## ЯШАШИМ УЧУН...

*Биза дийдор керак, дунё керакмас...*

Юнус Эмро

Ўзимни билмасмен, хасманми, хормен,  
Менга дийдор керак, яшашим учун.  
Мен-ку бир дийдорга зор, интизормен,  
Менга ҳам зор керак, яшашим учун.

Бошимдан ўтмоқда кенглигу танглиғ,  
Билмам нечта бўлди, қўқсимдаги тиғ,  
Сув бўлсам... эгилган мажнунтол янглиғ,  
Бир дарди бор керак, яшашим учун.

Билмайман, шеърми, не битиб бораман,  
Билганим, лахча чўғ ютиб бораман,  
Алангаман, ёниб ўтиб бораман,  
Қор керак, қор керак, яшашим учун.

Иссиқ дийдор керак яшашим учун...

2008 йил





## ЎЗИМ БИЛАН...

Менга барибирдир, менга фарқи йўқ,  
Кетсанг дарё йўлинг боғласа керак.  
Фақат намозшомгул сўлар, барги йўқ,  
Ой осмонда ёлғиз йиғласа керак.

Қумлари куйдирар дашту чўлларни,  
Саҳроларда сароб ютиши мумкин.  
Буралиб-буралиб дунё йўллари,  
Сени адаштириб кетиши мумкин.

Менга-ку, барибир... ҳа, менга нима,  
Юрганимам йўқ-ку, азият чекиб.  
Йўлга чиқса ортга қайтмасмиш кема,  
Қайтса тўфонларда кетармиш чўкиб...

Сен совуққа йўқсан... тагин бодинг бор,  
Кетсанг пухта ўйла! Сезим билан кет.  
Менинг ҳеч ким билмас арзу додим бор:  
Қачон... қаён кетсанг... Ўзим билан кет!

Гарчанд...  
Менга барибирдир, менга фарқи йўқ...

2009 йил








\* \* \*

Дилимни ишқ билан доғлаб олганман,  
Ишқ доғидан кўнглим чоғлаб олганман,  
Сочим занжири-ла боғлаб олганман,  
Мендан икки дунё кетмағайсиз Сиз.


Ўтган чоғларда ҳам мен тан, бошқага,  
Тушда-ю, ҳушда ҳам мендан бошқага,  
Хар икки дунёда мендан бошқага,  
Беҳишт гулобини тутмағайсиз Сиз.

Майли шонли кетай ё бешон кетай,  
Майли шароб ютиб, ютиб қон, кетай,  
Сиз-ла Маҳшаргача ёнма-ён кетай,  
Мен ўтмай дунёдан ўтмағайсиз Сиз.

*2008 йил*



---



## МЕНИНГ ЁЗУҒИМ...

Дунёнинг борлиги – Сиз борлигингиз,  
Дунёнинг торлиги – Сиз торлигингиз,  
«Мен билан қийналиб кетдинг» дедингиз,  
Қийналиб яшамоқ – ёзуғим менинг!

Мени ўлдирар Сиз тутмаган бода,  
Сизсиз жой йўқ беҳишт, Арши аълода,  
Ковушсиз юрсангиз дашт, Карбалода,  
Сочимни тўшамоқ – ёзуғим менинг!

Сизни қачон кўрдим, кўкламми, кузда,  
Шу-шу менинг умрим Сиз босган изда.  
Бошингизда кўклам, оёфингизда,  
Тупроққа ўхшамоқ – ёзуғим менинг!

Порлоқ парвозлар бор ҳали ҳаётда,  
Дунё кўтарилар жуфт қўшқанотда,  
Аммо, қачондир Сиз тушсангиз отдан,  
Шу йўлда тўхтамоқ – ёзуғим менинг!

Тўхташ, гарчи мағлуб, мотларга ўхшаш,  
Бир чирмовуқ ишқ бу, ёдларга ўхшаш,  
Бошни бошга қўйиб, отларга ўхшаш,  
То Маҳшар сўзлашмоқ – ёзуғим менинг!

09.02.2009 й.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/2892> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2892> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную  
версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2892>